

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

37-сон
(433)
2010 йил
20 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

313. «Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–255-сон Қонуни
314. «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 15 сентябрдаги ЎРҚ–256-сон Қонуни
315. «Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–257-сон Қонуни
316. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулод-

да вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–258-сон Қонуни

317. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 17 сентябрдаги ЎРҚ–259-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

318. «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги ПФ–3400-сон Фармони
319. «Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 сентябрдаги ПФ–4241-сон Фармони
320. «Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 сентябрдаги ПҚ–1403-сон қарори

Учинчи бўлим

321. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 17 июндаги ПҚ–1354-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 сентябрдаги 201-сон қарори
322. «Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тutilган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 13 сентябрдаги 202-сон қарори

Бешинчи бўлим

323. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар

бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2010 йил 25 августдаги 2010-15-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-5*)

324. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларини (ЎЗР АҚ-94) тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 18 августдаги 96-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141*)

325. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 14 августдаги 27/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-7*)

326. «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 3 сентябрдаги 98, 74, 01/19-18/07-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-1*)

327. «Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 3 сентябрдаги 99, 73, 01-19-18/06-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1677-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2010 йил 11 сентябрдан 17 сентябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

313 Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 12 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги 3561–XI-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 167–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **12-моддасининг матнидаги** «давлат нотариуси» деган сўзлар «нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган 758–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда, № 12, 640-модда) **14-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан ўлимни қайд этиш ва ишончномаларни тасдиқлаш

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) ўлимни қайд этишни белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин.

Фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) хат-хабарни, шу

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

жумладан пул ва жўнатмани олиш учун, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни олиш учун, муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳақларини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек банклардан суммаларни олиш учун ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197²-модда** билан тўлдирилсин:

«197²-модда. Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш

Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш, шу жумладан нотариусга нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этмаслик, —

энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «197¹» рақамидан кейин «197²» рақами билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9,

229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **1140¹-модда** билан тўлдирилсин:

«1140¹-модда. Меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси)

Агар васиятнома бўйича ёки қонун бўйича ворисликка чақирилган меросхўр мерос очилганидан кейин уни қабул қилиб олишга улгурмасдан вафот этган бўлса, унга тегиши керак бўлган меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг қонун бўйича меросхўрларига, агар барча мерос мол-мулк васият қилинган бўлса, унинг васият бўйича меросхўрларига ўтади (мерос трансмиссияси). Мерос трансмиссияси тартибида меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи бундай меросхўрнинг вафотидан кейин очилган мерос таркибига кирмайди.

Вафот этган меросхўрга тегишли меросни қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрлари томонидан умумий асосларда амалга оширилиши мумкин.

Меросхўрнинг ушбу Кодекснинг 1142-моддасида назарда тутилган мероснинг бир қисмини мажбурий улуш сифатида қабул қилиб олиш ҳуқуқи унинг меросхўрларига ўтмайди»;

2) **1147-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли»;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;

3) **1151-модданинг иккинчи қисмидаги** «ушбу Кодекснинг 1147-моддасида назарда тутилган муддат ичида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **1157-модданинг иккинчи қисмидаги** «бир йил» деган сўзлар «уч йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган 261–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 124-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) **60-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги** «уй-жойларни» деган сўзлар «уй-жойни (жойнинг бир қисмини), квартира, дала ҳовли, боғ ҳовли, гаражни, шунингдек бошқа бино, иншоотни ёки иморатни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида нотариат қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни ҳамда улар билан бевосита боғлиқ ҳуқуқий ва техник тусдаги ҳаракатларни нотариуслар томонидан амалга ошириш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга даъват этилган ҳуқуқий институтдир.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар ушбу Қонунга мувофиқ давлат нотариал идораларининг (бундан буён матнда нотариал идора деб юритилади) нотариуслари томонидан амалга оширилади. Нотариал идораларнинг реестрини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юритади.

Бошқа давлатларнинг ҳудудида нотариал ҳаракатларни Ўзбекистон Республикаси консуллари амалга оширади»;

2) **2-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин.

Қуйидагилар нотариус бўлиши мумкин эмас:

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс;

қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахс.

Нотариус ёрдамчи ва стажёрга эга бўлиши мумкин.

Нотариусларга қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус унвонлар — мансаб даражалари берилади»;

3) қуйидаги мазмундаги **2¹** ва **2²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«2¹-модда. Нотариус ёрдамчиси

Юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар нотариус ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас.

Нотариус ёрдамчисини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, шунингдек вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (бундан буён матнда адлия бошқармалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Нотариус ёрдамчиси нотариуснинг топшириғига кўра нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишга, битимлар, аризалар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тузишга, ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари ва дубликатларини, улардан кўчирмаларни тайёрлашга, шунингдек нотариал ҳаракатларни амалга ошириш масалалари юзасидан тушунтиришлар беришга ҳақли.

2²-модда. Нотариус стажёри

Олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус стажёри бўлиши мумкин.

Ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар нотариус стажёри бўлиши мумкин эмас.

Нотариус стажёрини ишга қабул қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Стажировка нотариал идорада ўталади. Нотариус стажёри ўз фаолиятини нотариус раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади.

Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади;

4) **3-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-модда. Нотариус қасамёди

Нотариус Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг мажлисида қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Нотариус вазифасини ҳалол ва виждонан бажаришга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан»;

5) қуйидаги мазмундаги **3¹-модда** билан тўлдирилсин:

«3¹-модда. Малака комиссиялари

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари (бундан буён матнда малака комиссиялари деб юритилади) стажировкадан ўтган шахслардан малака имтиҳонларини қабул қилиш мақсадида ташкил этилади.

Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармаларининг қарорлари билан нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари орасидан тенг миқдорда тузилади.

Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляцияларни кўриб чиқиш, шунингдек малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳ-

лил қилиш учун ўн бир кишидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси (бундан буён матнда Олий малака комиссияси деб юритилади) тузилади.

Олий малака комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьялари, нотариуслар ҳамда адлия органларининг бошқа ходимлари, адвокатура вакиллари киради. Олий малака комиссиясининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси адлия вазирли томонидан тасдиқланади.

Олий малака комиссияси ва малака комиссиялари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади»;

6) **4-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4-модда. Малака имтиҳонлари

Стажировкадан ўтган шахслар малака комиссиясига малака имтиҳони топширади.

Малака комиссиясининг қарори устидан апелляция малака комиссиясининг қарори манфаатдор шахсга топширилган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида Олий малака комиссиясига берилади.

Малака имтиҳонидан ўта олмаган шахслар малака комиссияси томонидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан камида бир йилдан сўнг қайта имтиҳон топширишга қўйилади.

Малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган шахснинг нотариус лавозимида ишлашига у малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина йўл қўйилади»;

7) **6-модда учинчи қисмининг учинчи жумласи** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади»;

8) **7-модданинг номи** ва **биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. Нотариус, нотариус ёрдамчиси ва стажёри фаолиятидаги чеклашлар

Нотариус, нотариус ёрдамчиси ва стажёри»;

9) **8-модда** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8-модда. Нотариал идора

Нотариал идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилади ва тугатилади.

Нотариал идора юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Нотариал идоранинг номида «давлат нотариал идораси» сўзлари бўли-

ши, тегишли туман, шаҳар кўрсатилиши ва зарурат бўлганда, нотариал идоранинг рақами бўлиши лозим.

Нотариал идора тегишли нотариал округ доирасида жойлашган бўлиши лозим.

Нотариал идора биносиди фуқароларнинг нотариус ҳузурига кириши, нотариал ҳаракатлар махфийлиги, нотариал иш юритиш ҳужжатлари, материаллари ва нотариал архивнинг бут сақланиши, тўловларни қабул қилиш учун шарт-шароитлар таъминланиши лозим»;

10) **9-модда** чиқариб ташлансин;

11) **10-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариал идора нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материалларининг бут сақланишини таъминлаши, ўз нотариал архивини юритиши шарт.

Нотариал иш юритиш ҳужжатлари ва материаллари уч йил ўтгач Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивларга топширилиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар томонидан бериладиган нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатлари ва реестрлардан кўчирмалар нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштирилади ҳамда уларни берганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари ҳузуридаги нотариал архивлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўлади.

Нотариал иш юритиш қоидалари, нотариал ҳужжатларни сақлаш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари давлат божи тушумларининг ҳисобини юритади ва улар юзасидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот тақдим этади»;

12) **11-модда иккинчи қисмининг русча матнидаги** «государственным» деган сўз чиқариб ташлансин;

13) **12-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариус Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган, нотариуснинг исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими ва нотариал идоранинг номи кўрсатилган шахсий муҳри, тасдиқловчи ёзувлар битилган штамплари, нотариал идоранинг бланкаларига эга бўлади.

Нотариуснинг муҳри Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ягона намуна бўйича тайёрланади.

Нотариус муҳрининг изи ва нотариус имзосининг намунаси Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, адлия бошқармаларида сақланади»;

14) **14-модданинг номи** ва **матнидаги** «Давлат нотариал идоралари», «давлат нотариал идоралари», «давлат нотариал идораларида» ва «катта давлат нотариуси» деган сўзлар тегишинча «Нотариал идоралар», «нотариал идоралар», «нотариал идораларда» ва «катта нотариус» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **15-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш тартиби. Нотариус лавозимига тайинлаш

Нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади.

Муайян ҳудуддаги (нотариал округдаги) нотариуслар лавозимларининг сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатиладиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариал округдаги нотариус лавозимига тайинлаш Олий малака комиссияси малака имтиҳонини топширган шахслар орасида ўтказадиган танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Танлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариус билан меҳнат шартномасини бекор қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

16) **16-модданинг:**

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **биринчи ва иккинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб муайян нотариал округда нотариал ҳаракатларни амалга оширишни бошқа нотариал округда фаолият юритаётган нотариусга юклаши мумкин. Нотариусга мазкур нотариал округ доирасида иш жойи берилиши шарт»;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

17) **17-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш;

жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли давлат органларига мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш учун, шунингдек ҳужжатларнинг чет элда амал қилиши учун мазкур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларни олган ҳолда ҳужжатларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш»;

18) **18-модданинг:**

еттинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги **еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда беш йилда камида бир марта ўз касбий малакасини ошириши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлаш ва ижара ҳақининг миқдори тўғрисидаги, мерос ёки ҳадя тартибида фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотномаларни давлат солиқ хизмати органига тақдим этиши;

суд, прокуратура, тергов органлари талабига биноан мазкур органларнинг юритувида бўлган ишлар билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик тўғрисида маълумотномалар (маълумотлар) бериши»;

саккизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

19) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгар бўлади.

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги оқибатида етказган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда давлат томонидан қопланади»;

20) **20-модда** чиқариб ташлансин;

21) **21** ва **22-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21-модда. Нотариал ҳаракатлар ва нотариуслар томонидан амалга ошириладиган бошқа ҳаракатлар учун ҳақ тўлаш

Нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун ўз иш жойидан бошқа жойга борганида манфаатдор жисмоний ёки юридик шахслар унинг ҳақиқатда қилинган транспорт харажатларининг ўрнини қоплайди.

Нотариусга мурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахслар билан нотариус ўртасидаги келишувга мувофиқ нотариуслар томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ундирилади.

22-модда. Нотариал идораларни молиялаштириш

Нотариал идоралар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилади»;

22) **23-модданинг номи** ва **матнидаги** «Давлат нотариал идораларида ишловчи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **24** ва **25-моддалар** чиқариб ташлансин;

24) **27-модданинг:**

номидаги, биринчи ва **иккинчи қисмларидаги** «давлат нотариал идорасига» деган сўзлар «нотариал идорага» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Давлат нотариуси» деган сўзлар «Нотариус» деган сўз билан алмаштирилсин;

25) **28-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги** «Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни» деган сўзлар «ушбу Қонун 44-моддасининг

иккинчи қисмида назарда тутилган ва Ўзбекистон Республикасида жойлашган мол-мулкни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **30-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларида амалга оширилади.

Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра нотариал идорага бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларидан ташқарида амалга ошириладиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин»;

27) **37-модданинг матнидаги** «давлат нотариал идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўлида ишловчи шахслар» деган сўзлар «нотариал идоранинг ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **39-модданинг матнидаги** «давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус» деган сўзлар «нотариал идора» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **53-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ёки нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи фуқаролар йиғинининг раисига (оқсоқолига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи қисмидаги «ёки фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

30) **54-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

31) **59-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда) **273-моддасининг биринчи қисмидаги** «шаҳарча, қишлоқ, овул ўзини ўзи бошқариш органи» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **45-модданинг матнидаги** «ҳал қилув қароридан нусха» деган сўзлар «фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг гувоҳномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **47-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида никоҳдан ажратилганлик рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилади»;

3) **203-модданинг:**

биринчи қисмидаги «туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажралиш, оталикни белгилаш» деган сўзлар «ўлим» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «фуқаролик ҳолати далолатномаларини» деган сўзлар «ўлимни» деган сўз билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**» ги 222–II-сонли Қарорига **1-иловининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда):

эллик иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

эллик учинчи — етмиш учинчи хатбошилари тегишинча **эллик иккинчи — етмиш иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **84-модданинг олтинчи қисмидаги** «ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идоралари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **176-модданинг 8-бандидаги** «хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **328-модданинг 3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг консуллари томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун»;

4) **338-модданинг биринчи қисмидаги** «ҳамда шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) 340-модданинг:

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи — еттинчи қисмлари тегишинча **иккинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) 341-модданинг:

биринчи қисмидаги «банкнинг давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанцияси» деган сўзлар «давлат божини тўлаш учун пул қабул қилиб олинганлиги тўғрисидаги квитанция» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «банк ҳужжатининг» деган сўзлар «давлат божи тўланганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) 342-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги «ёки шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) 350-модда биринчи қисми 2-бандининг:

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11-модда. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши тугатилган деб ҳисобланади.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонун 6-моддаси 2-бандининг камида икки йил муддатли стажировкани давлат нотариал идорасида ўташга тааллуқли қоидалари ушбу Қонун кучга киргунига қадар стажировкани ўтаган ва малака имтиҳонини топширган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу Қонун 6-моддаси 5-бандининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссиясини ташкил этишга тааллуқли қоидалари 2011 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси ташкил этилгунига қадар унинг ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги апелляция комиссияси амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ–255-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

314 Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 29 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда) **38-моддаси** қуйидаги мазмундаги **10-банд** билан тўлдирилсин:

«10) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари — бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги 474–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 16 сентябрда эълон қилинган.

№ 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни таъминлаш;

солиқларнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, давлатнинг мақсадли жамғармалари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ ва ўз вақтида тушини таъминлаш;

солиқлар йиғилишини ошириш бўйича чоралар кўриш, маълумотлар компьютер базасининг ягона тизимини юритиш асосида солиқ тўловчиларни ҳисобга қўйиш механизмларини такомиллаштириш, уларга кўрсатиладиган ахборот-маслаҳат хизматлари соҳасини кенгайтириш, солиқларга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумининг тўлиқ ва ўз вақтида топширилиши устидан мунтазам назоратни таъминлаш;

хўжалик юритувчи субъектлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

бозорлар ва савдо комплексларининг молия-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда уларнинг ҳудудида аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлаш ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта ҳамда экспорт-импорт операциялари амалга оширилганда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида назоратни амалга ошириш;

давлат солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан тўлдириш, коррупция ва ишга расмийчилик билан ёндашиш фактларига барҳам бериш бўйича тизимли ишни амалга ошириш, кадрларни

қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни доимий асосда таъминлаш»;

2) **5-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **16** ва **17-бандлар** билан тўлдирилсин:

«16) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш;

17) бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларида ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги фактлари юзасидан терговга қадар текширувлар ўтказиш, улар бўйича жиноят ишлари қўзғатиш ҳамда суриштирув ўтказиб, жиноят ишларини терговга тегишлилигига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топшириш»;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг 1 — 7-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларига, 8 — 15-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар фақат давлат солиқ хизмати органлари бошлиқларига ва уларнинг ўринбосарларига, 16 ва 17-бандларида назарда тутилган ҳуқуқлар эса давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари мансабдор шахсларига белгиланган тартибда берилади»;

3) **10-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимларининг мансабдор шахслари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги 717–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил,

№ 12, 598-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олиншига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда) **40¹-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 88-модда:

иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «учинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олиншига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларида

фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш учун давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмаси бошлиғининг текширув ўтказиш мақсадлари, муддатлари ва текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган буйруғи асос бўлади. Давлат солиқ хизмати органларининг қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органни ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмасини ўтказилган қисқа муддатли текширув тўғрисида текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилади»;

учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **92-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «тўртинчи қисмида» деган сўзлар «учинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 15 сентябрь,
ЎРҚ–256-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

315 Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 30 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 29 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги 425–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 153-модда) **9-моддасининг 2-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида белгиланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги 846–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **20-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«20-модда. Хусусийлаштирилаётган турар жойни баҳолаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилот томонидан қолдиқ баланс қиймати бўйича амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **110-модданинг:**

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхона (бизнес) сотилаётганида қарздорнинг мол-мулкани баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан ўтказилади, унинг хизматига қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ҳақ тўланади. Баҳоловчи ташкилот кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан тасдиқланади»;

саккизинчи қисмидаги «баҳоловчи» деган сўз «баҳоловчи ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **111-модданинг тўртинчи қисмидаги, 115-модданинг олтинчи ва ўн учинчи қисмларидаги** «баҳоловчи» деган сўз «баҳоловчи ташкилот» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **128-модда тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «баҳолашдан ўтказиши» деган сўзлар «баҳолашдан ўтказишни ташкил этиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **131-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тугатишга доир иш юритиш жараёнида тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг мол-мулкани инвентаризация қилади ва қийматини белгилайди. Тугатиш бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириш учун баҳоловчи ташкилотни ва бошқа мутахассисларни, уларнинг хизматлари учун ҳақни, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан ҳақ тўлашнинг бошқа манбаи белгиланган бўлмаса, қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан тўлаган ҳолда, жалб этишга ҳақли. Устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг мол-мулки баҳоланаётганда баҳоловчи ташкилот жалб этилиши шарт. Қарздорнинг кредиторлари йиғилиши ёки кредиторлари қўмитаси мазкур хизматлар ҳақини тўлаш мажбурияти юкланадиган, қилган харажатлари кейинчалик қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан навбатдан ташқари қопланадиган шахсни, агар унинг ўзи рози бўлса, тайинлашга ҳақли.

Агар тугатишга доир иш юритиш жараёнида ҳақ тўлаш кўчмас мол-мулк билан амалга оширилаётган бўлса, мазкур мол-мулк, агар кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси томонидан бошқача қоида белгиланган бўлмаса, уни сотишдан олдин баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланади.

Қарздорнинг гаров нарсаси бўлган мол-мулкани баҳолаш баҳоловчи ташкилот томонидан мажбурий тартибда ўтказилади»;

5) **163-модда иккинчи қисмининг иккинчи жумласидаги** «баҳолашдан ўтказиши» деган сўзлар «баҳолашдан ўтказишни ташкил этиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5,

67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда) **293-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хатланаётган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан унинг эскириш даражасини эътиборга олиб, баҳолаш пайтида мавжуд бўлган бозор нархида баҳоланади. Зарур ҳолларда баҳолаш мутахассис иштирокида ёки баҳоловчи ташкилот томонидан амалга оширилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **58-модданинг ўнинчи қисмидаги** «мустақил эксперт текширувидан ўтказилиши» деган сўзлар «баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **205-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мулк ҳуқуқи бекор қилинганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб ўрнатилган бўлмаса, баҳоловчи ташкилот томонидан мулк ҳуқуқи бекор қилинган пайтда белгиланади»;

3) **491-модданинг иккинчи қисмидаги** «мустақил аудиторнинг корхона таркиби ва унинг қиймати тўғрисидаги хулосасини» деган сўзлар «аудиторлик хулосасини, баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **932-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурат бўлганда эса унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида баҳолашдан ўтказишни ташкил этишга ҳақли».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598, 606, 608-моддалар; 2008 йил, № 9, 489-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **33-модданинг олтинчи қисмидаги** «мустақил нархловчи чиқариши» деган сўзлар «баҳоловчи ташкилот баҳолаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **46-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин»;

учинчи қисмидаги «холис баҳоловчини» деган сўзлар «баҳоловчи ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **82-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган 548–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 178-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда) **179-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Божхона органининг мансабдор шахси томонидан олиб қўйилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни баҳолаш баҳоловчи ташкилот, қонун ҳужжатларида назарда тутилган айрим ҳолларда эса божхона органининг мансабдор шахси томонидан бозор қиймати бўйича амалга оширилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган «**Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида**»ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8,

367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **54-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Рўйхатга олинган мол-мулкни баҳолашни ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочиси томонидан бозор қиймати бўйича амалга оширилади»;

иккинчи қисмидаги «баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келадиган мутахассисни» деган сўзлар «баҳоловчи ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «мутахассисни» деган сўз «баҳоловчи ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «баҳолашни» деган сўз «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолашни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисмидаги «мутахассисни» деган сўз «баҳоловчи ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочиси томонидан хатланган мол-мулкни баҳолашни амалга оширувчи баҳоловчи ташкилотларни танлаб олиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайди»;

2) **84-модда биринчи қисмининг ўн тўққизинчи хатбошисидаги** «мутахассисларни» деган сўз «баҳоловчи ташкилотни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 4 октябрда қабул қилинган «Ипотека тўғрисида»ги ЎРҚ–58-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 535-модда) **16-моддаси биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «баҳоловчи хулосаси» деган сўзлар «баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда) **135-моддаси учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «баҳоловчи томонидан» деган сўзлар «баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботи билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–155-сонли Қону-

нига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-номаси, 2008 йил, № 4, 191-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **19-модда тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «мол-мулкни мустақил баҳолаш далолатномалари» деган сўзлар «баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **21-модданинг:**

иккинчи — саккизинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулкка зарар етказилганда жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини зарар етказилиши ҳолатларини аниқлаш учун кўздан кечириш ва мустақил экспертизани ташкил этиш ҳамда ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини белгилаш учун баҳолашни ташкил этиш мақсадида суғурталовчига ўз ташаббуси билан ёки суғурталовчининг сўровига биноан тақдим қилиши шарт.

Агар жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) томонидан тақдим этилган шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилиш суғурта ҳодисаси мавжудлигини тўғри белгилаш, ўтказилган баҳолаш натижалари эса мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, мазкур ҳолатларни аниқлаш учун суғурталовчи суғурта қилдирувчининг фойдаланилаётганда жабрланувчига зарар етказилган шикастланган транспорт воситасини кўздан кечиришга ва (ёки) ушбу транспорт воситаси ёки унинг қолдиқларига нисбатан такрорий мустақил экспертизани ташкил этишга, шунингдек жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) томонидан тақдим этилган шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг ишончлилиги экспертизасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этишга ҳақли. Суғурта қилдирувчи суғурталовчининг талабига кўра ушбу транспорт воситасини ёки унинг қолдиқларини мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган тартибда тақдим этиши шарт.

Суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) ёзма равишда мурожаат этган кундан эътиборан беш иш кунидан кўп бўлмаган муддатда, агар улар ўртасида ёзма шаклда бошқа муддат келишилмаган бўлса, кўздан кечириши, унинг мустақил экспертизасини ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этиши шарт.

Агар шикастланишларнинг хусусияти ёки шикастланган мол-мулкнинг ёхуд унинг қолдиқларининг ўзига хос хусусиятлари мол-мулкни суғурталовчи, эксперт ва (ёки) баҳоловчи ташкилот жойлашган ерда кўздан кечириш, мустақил экспертизани ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этиш учун тақдим этилишини истисно этса (транспорт воситасининг йўл ҳаракатида иштирок этишини истисно этадиган тарзда шикастланганлиги ва бошқа ҳолларда), кўздан кечириш, мустақил экспертиза ва баҳолашдан ўтказиш шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқлари турган ерда ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда амалга оширилади.

Агар суғурталовчи шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини

ушбу модданинг тўртинчи қисмида белгиланган муддатда кўздан кечирмаган, мустақил экспертизани ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этмаган бўлса, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) шикастланган мол-мулкни ёки унинг қолдиқларини суғурталовчига кўздан кечириш учун тақдим этмаган ҳолда экспертизани ва баҳолашдан ўтказишни ташкил этиш учун мустақил тарзда ёзма шаклда мурожаат қилишга ҳақли. Бу ҳолда суғурталовчи мустақил экспертиза ва баҳолаш натижалари юзасидан низолашишга ҳақли эмас.

Суғурта тўлови амалга оширилишига асос бўлган мустақил экспертиза ва баҳолаш қиймати суғурталовчи томонидан мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарар таркибига киритилади.

Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш, мустақил экспертиза қилиш ва баҳолашга қадар ушбу модда талабларига мувофиқ амалга оширилган мазкур мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва мажбурий суғурта шартномаси бўйича ўрни қопланиши лозим бўлган зарарнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовда жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли»;

3) 26-модданинг:

иккинчи қисми бешинчи хатбошисидаги «мустақил баҳолаш далолатномалари» деган сўзлар «баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи қисмидаги «(баҳолашни)» деган сўз «ҳамда баҳолашдан ўтказишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-257-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

316 «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 22 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган **«Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 824–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 221-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 2-модданинг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фавқулодда вазият — одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат»;

тўртинчи ва **бешинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш — олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси»;

2) 8-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «аҳоли

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

ҳаёти ва соғлиғини, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги ва 11-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар» деган сўзлар «қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **22-модданинг иккинчи қисмидаги** «атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, фуқароларнинг ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларнинг ҳаёт фаолиятини тиклаш» деган сўзлар «фуқароларнинг ҳаёт фаолиятини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларнинг ишини тиклаш ҳамда атроф табиий муҳитни соғломлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-258-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

317 «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178¹-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2010 йил 22 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2010 йил 28 августда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 186-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи — ўн иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хорижий сўз ва иборалардан фойдаланиш;

маҳсулот давлат органлари ёхуд уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш;

иштирок этиш учун муайян маҳсулотни олиш шarti қўйилган рағбатлантирувчи лотерея, танлов, ўйин ёки шунга ўхшаш бошқа тадбир ўтказишни тадбирнинг ташкилотчисини, уни ўтказиш қоидалари ва муддатларини, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаини, мукофотлар ёки ютуқлар миқдорини, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартибини кўрсатмаган ҳолда реклама қилиш;

маҳсулотни товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси реклама қилиш тақиқланган ёхуд реклама қилишга нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган маҳсулотнинг товар белгиси ёки хизмат кўрсатиш белгиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа маҳсулотнинг рекламаси кўринишида реклама қилиш»;

2) 14-модда қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Рекламани яширин деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қабул қилади»;

3) 23-модданинг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2010 йил 18 сентябрда эълон қилинган.

«Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алкогольли ичимликлар рекламаси тақиқланади, шу жумладан:

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар намуналарини текин тарқатиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган тадбирларга хомийлик қилиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва бошқа шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

савдо объектларининг олд томонида, кириш (транспортда кириш) жойларида, витриналарида, ташқарига олиб чиқиладиган предметларида ҳамда бошқа жойларида тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг тасвирлари, номларини ва улар ҳақидаги бошқа ахборотни ўрнатиш тақиқланади»;

4) 29-модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **иккинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва реклама тарқатувчилар — юридик шахслар ваколатли давлат органи томонидан қуйидаги миқдорларда жаримага тортилиши мумкин:

нотўғри реклама берганлик, аксилреклама беришдан бош тортганлик, реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик учун — энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмани ўз муддатида бажармаганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик учун — энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда;

реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик учун — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда.

Реклама берувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлаш учун тақдим этиладиган ахборотнинг мазмунига доир қисми бузилганлиги учун, агар ушбу қонунбузарлик реклама тайёрловчининг ёки реклама тарқатувчининг айби билан юз берганлиги исботланмаса, жавобгар бўлади.

Реклама тайёрловчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг реклама тайёрлашга доир қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади.

Реклама тарқатувчи реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг рекламани тарқатиш вақти, жойи ва воситаларига тааллуқли қисми бузилганлиги учун жавобгар бўлади.

Тадбиркорлик субъектларига жарима солиш суд томонидан, улар содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқдор бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса, ваколатли давлат органи томонидан амалга

оширилади. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун тадбиркорлик субъектининг охириги ҳисобот санасидаги жорий активлари суммасининг жами йигирма фоизидан ортиқ миқдорда жарима ундириш тадбиркорлик субъектига ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан ундириладиган суммани олти ой мобайнида ойма-ой бўлиб тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Жарима тўлаш ваколатли давлат органининг қарори ёки кўрсатмасини бажариш ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни содир этиш мажбуриятидан озод қилмайди».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда) **178¹-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«178¹-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганлик —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади».

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 17 сентябрь,
ЎРҚ-259-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

318 Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 12 декабрдаги 569–II-сонли «Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-худудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддасига асосан, умумий юрисдикция судларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида:

1. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоятининг Тўқимачи ва Файзулла Хўжаев туман судлари, Самарқанд вилоятининг Боғишамол, Сиёб ва Темир йўл туман судлари тугатилиб, уларнинг негизида жиноят ишлари бўйича Бухоро ва Самарқанд шаҳар судлари ташкил қилинсин.

2. Жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Навоий туман суди, Наманган вилояти Давлатобод туман суди, Фарғона вилояти Қирғули туман суди тугатилсин.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилоятининг Файзулла Хўжаев туманлараро суди, Навоий вилоятининг Навоий туманлараро суди, Самарқанд вилоятининг Темир йўл туманлараро суди тугатилиб, уларнинг негизида фуқаролик ишлари бўйича Бухоро, Самарқанд шаҳар судлари ва Ромитан, Кармана туманлараро судлари ташкил қилинсин.

4. Умумий юрисдикция судларининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг тузилиши ҳамда штат бирликларининг умумий сони 1 — 7-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси бир ой муддат ичида қайта ташкил этилган судларни судья кадрлар билан тўлдириш масаласи бўйича тегишли таклифлар киритсин.

* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 августдаги ПФ–3471-сонли ва 2010 йил 9 сентябрдаги ПФ–4241-сонли фармонлари тахририда.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий суди, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона вилоят судларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 14 августдаги ПФ-2682-сонли «Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида 1, 4, 6 — 8-иловалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 6 февралдаги ПФ-3023-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 февраль,
ПФ-3400-сон


Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 20 февралдаги
ПФ–3400-сонли Фармонида
1-ИЛОВА

318-модда


— 36 —

37 (433)-сон


Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судларининг ТУЗИЛМАСИ



**Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди,
фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛИШИ**



**Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛИШИ**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 20 февралдаги
ПФ-3400-сонли Фармонида
3-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари
бўйича олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва
Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича
туманлараро, туман (шаҳар) судлари ходимларининг
УМУМИЙ СОНИ**

Лавозимлар номи	Лавозимлар сони
Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича олий суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари:	
1) Судьялар	110
2) Суд мажлиси котиби	110
3) Бошқа ходимлар	97
	жами 317 та
Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари:	
1) Судьялар	181
2) Суд мажлиси котиби	181
3) Бошқа ходимлар	187
	жами 549 та
ЖАМИ:	
1) Судьялар	291
2) Суд мажлиси котиби	291
3) Бошқа ходимлар	284
	жами 866 та

Изоҳ: бошқа ходимларга канцелярия ва архив мудирлари, малака ҳайъатининг котиби, суд статисти, комендант, ҳайдовчи ва фаррош кирази.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 20 февралдаги
ПФ–3400-сонли Фармонида
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича
туманлараро, туман (шаҳар) судларининг
ТУЗИЛМАСИ**

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари Туман, шаҳарлар номи

Қорақалпоғистон Республикаси

Беруний туманлараро	Амударё Беруний Тўрткўл Элликқалъа
Нукус	Нукус шаҳар Тахياتош шаҳар Нукус Хўжайли
Чимбой	Кегейли Тахтакўпир Чимбой Қораўзак
Қўнғирот	Мўйноқ Шуманай Қонликўл Қўнғирот

Андижон вилояти

Андижон туманлараро	Андижон шаҳар Андижон Олтинкўл
Асака	Асака шаҳар Асака Марҳамат
Бўз	Бўз Улуғнор Шаҳрихон

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари Туман, шаҳарлар номи

Избоскан	Балиқчи Избоскан Пахтаобод
Хўжаобод	Булоқбоши Жалолқудуқ Хўжаобод
Қўргонтепа	Хонобод шаҳар Қўргонтепа

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳар	Бухоро шаҳар
Ғиждувон туманлараро	Вобкент Ғиждувон Пешку Шофиркон
Когон	Когон шаҳар Когон Қоровулбозор
Ромитон	Бухоро Ромитон
Қорақўл	Жондор Олот Қорақўл

Жиззах вилояти

Дўстлик туманлараро	Арнасой Дўстлик Зафаробод Мирзачўл Пахтакор
Жиззах	Жиззах шаҳар Бахмал Жиззах Фориш Ғаллаорол

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари Туман, шаҳарлар номи

Зарбдор Зарбдор
 Зомин
 Янгиобод

Қашқадарё вилояти

Косон туманлараро Косон
 Муборак

Чироқчи Чироқчи
 Яккабоғ

Шаҳрисабз Китоб
 Шаҳрисабз

Қарши Қарши шаҳар
 Касби
 Миришкор
 Нишон
 Қарши

Ғузор Деҳқонобод
 Қамаш
 Ғузор

Навоий вилояти

Зарафшон туманлараро Зарафшон шаҳар
 Томди
 Учқудуқ

Кармана Навоий шаҳар
 Кармана
 Хатирчи
 Қизилтепа

Навбаҳор Конимех
 Навбаҳор
 Нурота

Наманган вилояти

Наманган туманлараро Наманган шаҳар
 Мингбулоқ
 Наманган

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари

Туман, шаҳарлар номи

Учқўрғон

Норин
Уйчи
Учқўрғон

Чуст

Поп
Тўрақўрғон
Чуст

Янгиқўрғон

Косонсой
Чортоқ
Янгиқўрғон**Самарқанд вилояти**

Самарқанд шаҳар

Самарқанд шаҳар

Жомбой туманлараро

Булунғур
Жомбой

Иштихон

Иштихон
Оқдарё
Пайариқ
Қўшработ

Каттақўрғон

Каттақўрғон шаҳар
Каттақўрғон
Нарпай
Нуробод
Пахтачи

Тайлоқ

Самарқанд
Тайлоқ
Ургут

Пастдарғом туман

Пастдарғом

Сирдарё вилояти

Боёвут туманлараро

Ширин шаҳар
Боёвут
Ховос

Гулистон

Гулистон шаҳар
Янгиер шаҳар
Гулистон
Мирзаобод

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари Туман, шаҳарлар номи

Оқолтин Оқолтин
Сардоба

Сирдарё Сайхунобод
Сирдарё

Сурхондарё вилояти

Денов туманлараро Денов
Олтинсой
Шўрчи

Сариосиё Сариосиё
Узун

Термиз Термиз шаҳар
Термиз

Шеробод Ангор
Бойсун
Музработ
Шеробод

Қумқўрғон Бандихон
Жарқўрғон
Қизириқ
Қумқўрғон

Тошкент вилояти

Бекобод туманлараро Бекобод шаҳар
Бекобод

Зангиота Янгийўл шаҳар
Зангиота
Чиноз
Янгийўл

Оҳангарон Ангрен шаҳар
Олмалиқ шаҳар
Оҳангарон шаҳар
Бўка
Оҳангарон

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари

Туман, шаҳарлар номи

Чирчиқ

Чирчиқ шаҳар
Бўстонлик
Паркент
Юқоричирчиқ
Қибрай

Ўртачирчиқ

Оққўргон
Пскент
Ўртачирчиқ
Қуйичирчиқ

Тошкент шаҳри

Учтепа туманлараро

Учтепа
Чилонзор

Мирзо Улугбек

Мирзо Улугбек
Юнусобод

Миробод

Миробод
Бектемир
Ҳамза

Шайхонтоҳур

Шайхонтоҳур
Собир Раҳимов

Яккасарой

Яккасарой
Сирғали

Фарғона вилояти

Марғилон туманлараро

Марғилон шаҳар
Ёзёвон
Қўштепа
Тошлоқ

Риштон

Боғдод
Олтиариқ
Риштон
Сўх

Фарғона

Фарғона шаҳар
Қувасой шаҳар
Фарғона
Қува

Туманлараро, туман (шаҳар) судлари Туман, шаҳарлар номи

Ўзбекистон

Бешариқ
Фурқат
Ўзбекистон

Қўқон

Қўқон шаҳар
Бувайда
Данғара
Учқўприк

Хоразм вилояти

Боғот туманлараро

Боғот
Хазорасп
Хива
Янгиариқ

Урганч

Урганч шаҳар
Урганч
Хонқа
Янгибозор

Шовот


Гурлан
Шовот
Қўшқўпир

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 20 февралдаги
ПФ–3400-сонли Фармонида
5-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди,
жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛИШИ**



**Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛИШИ**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 20 февралдаги
ПФ–3400-сонли Фармони
6-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент
шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар)
судлари ходимларининг
УМУМИЙ Сони**

Лавозимлар номи	Лавозимлар сони
Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари:	
1) Судьялар	170
2) Суд мажлиси котиби	170
3) Бошқа ходимлар	96
	жами 436 та
Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари:	
1) Судьялар	306
2) Суд мажлиси котиби	306
3) Бошқа ходимлар	503
	жами 1115 та
ЖАМИ:	
1) Судьялар	476
2) Суд мажлиси котиби	476
3) Бошқа ходимлар	599
	жами 1551 та

Изоҳ: бошқа ходимларга канцелярия ва архив мудирлари, малака ҳайъатининг котиби, суд статисти, комендант, ҳайдовчи ва фаррош киради.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 20 февралдаги
ПФ-3400 сонли Фармонига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
туман (шаҳар) судларининг
ТУЗИЛМАСИ**

Туман (шаҳар) суди номи

Туман, шаҳарлар номи

Қорақалпоғистон Республикаси

Нукус шаҳар
Тахياتош шаҳар

Нукус шаҳар
Тахياتош шаҳар

Амударё тумани
Беруний
Кегейли
Мўйноқ
Нукус
Тахтақўпир
Тўрткўл
Хўжайли
Чимбой
Шуманай
Элликқалъа
Қонликўл
Қораўзак
Қўнғирот

Амударё тумани
Беруний
Кегейли
Мўйноқ
Нукус
Тахтақўпир
Тўрткўл
Хўжайли
Чимбой
Шуманай
Элликқалъа
Қонликул
Қораўзак
Қўнғирот

Андижон вилояти

Андижон шаҳар
Асака шаҳар
Хонобод шаҳар

Андижон шаҳар
Асака шаҳар
Хонобод шаҳар

Андижон тумани
Асака
Балиқчи
Булоқбоши
Бўз
Жалолқудуқ
Избоскан
Қўрғонтепа
Марҳамат
Олтинкўл

Андижон тумани
Асака
Балиқчи
Булоқбоши
Бўз
Жалолқудуқ
Избоскан
Қўрғонтепа
Марҳамат
Олтинкўл

Туман (шаҳар) суди номи

Туман, шаҳарлар номи

Пахтаобод
Улуғнор
Хўжаобод
Шаҳрихон

Пахтаобод
Улуғнор
Хўжаобод
Шаҳрихон

Бухоро вилояти

Бухоро шаҳар
Когон шаҳар

Бухоро шаҳар
Когон шаҳар

Бухоро тумани
Вобкент
Ғиждувон
Жондор
Когон
Олот
Пешку
Ромитон
Шофиркон
Қоракўл
Қоровулбозор

Бухоро тумани
Вобкент
Ғиждувон
Жондор
Когон
Олот
Пешку
Ромитон
Шофиркон
Қоракўл
Қоровулбозор

Жиззах вилояти

Жиззах шаҳар

Жиззах шаҳар

Арнасой тумани
Бахмал
Дўстлик
Жиззах
Зарбдор
Зафаробод
Зомин
Мирзачўл
Пахтакор
Фориш
Янгиобод
Ғаллаорал

Арнасой тумани
Бахмал
Дўстлик
Жиззах
Зарбдор
Зафаробод
Зомин
Мирзачўл
Пахтакор
Фориш
Янгиобод
Ғаллаорал

Қашқадарё вилояти

Қарши шаҳар

Қарши шаҳар

Деҳқонобод тумани

Деҳқонобод тумани

Туман (шаҳар) суди номи

Туман, шаҳарлар номи

Касби
Китоб
Косон
Миришкор
Муборак
Нишон
Чироқчи
Шаҳрисабз
Яккабоғ
Қамаши
Қарши
Ғузор

Касби
Китоб
Косон
Миришкор
Муборак
Нишон
Чироқчи
Шаҳрисабз
Яккабоғ
Қамаши
Қарши
Ғузор

Навоий вилояти

Навоий шаҳар
Зарафшон шаҳар

Навоий шаҳар
Зарафшон шаҳар

Кармана тумани
Конимех
Навбаҳор
Нурота
Томди
Учқудуқ
Хатирчи
Қизилтепа

Кармана тумани
Конимех
Навбаҳор
Нурота
Томди
Учқудуқ
Хатирчи
Қизилтепа

Наманган вилояти

Наманган шаҳар

Наманган шаҳар

Косонсой тумани
Мингбулоқ
Наманган
Норин
Поп
Тўрақўрғон
Уйчи
Учқўрғон
Чортоқ
Чуст
Янгиқўрғон

Косонсой тумани
Мингбулоқ
Наманган
Норин
Поп
Тўрақўрғон
Уйчи
Учқўрғон
Чортоқ
Чуст
Янгиқўрғон

Туман (шаҳар) суди номи

Туман, шаҳарлар номи

Самарқанд вилоятиСамарқанд шаҳар
Каттақўрғон шаҳарСамарқанд шаҳар
Каттақўрғон шаҳарБулунғур тумани
Жомбой
Иштихон
Каттақўрғон
Нарпай
Нуробод
Оқдарё
Пайариқ
Пастдарғом
Пахтачи
Самарқанд
Тайлоқ
Ургут
ҚўшработБулунғур тумани
Жомбой
Иштихон
Каттақўрғон
Нарпай
Нуробод
Оқдарё
Пайариқ
Пастдарғом
Пахтачи
Самарқанд
Тайлоқ
Ургут
Қўшработ**Сирдарё вилояти**Гулистон шаҳар
Ширин шаҳар
Янгиер шаҳарГулистон шаҳар
Ширин шаҳар
Янгиер шаҳарБоёвут тумани
Гулистон
Мирзаобод
Оқолтин
Сайхунобод
Сирдарё
Ховос
СардобаБоёвут тумани
Гулистон
Мирзаобод
Оқолтин
Сайхунобод
Сирдарё
Ховос
Сардоба**Сурхондарё вилояти**

Термиз шаҳар

Термиз шаҳар

Ангор тумани
Бандихон
Бойсун
Денов
ЖарқўрғонАнгор тумани
Бандихон
Бойсун
Денов
Жарқўрғон

Туман (шаҳар) суди номи

Туман, шаҳарлар номи

Музработ
Олтинсой
Сариосиё
Термиз
Узун
Шеробод
Шўрчи
Қизириқ
Қумқўрғон

Музработ
Олтинсой
Сариосиё
Термиз
Узун
Шеробод
Шўрчи
Қизириқ
Қумқўрғон

Тошкент вилояти

Ангрен шаҳар
Бекобод шаҳар
Олмалиқ шаҳар
Оҳангарон шаҳар
Чирчиқ шаҳар
Янгийўл шаҳар

Ангрен шаҳар
Бекобод шаҳар
Олмалиқ шаҳар
Оҳангарон шаҳар
Чирчиқ шаҳар
Янгийўл шаҳар

Бекобод тумани
Бўка
Бўстонлиқ
Зангиота
Оққўрғон
Паркент
Пскент
Чиноз
Юқоричирчиқ
Янгийўл
Ўртачирчиқ
Қибрай
Қуйичирчиқ

Бекобод тумани
Бўка
Бўстонлиқ
Зангиота
Оққўрғон
Паркент
Пскент
Чиноз
Юқоричирчиқ
Янгийўл
Ўртачирчиқ
Қибрай
Қуйичирчиқ

Тошкент шаҳри

Учтепа тумани
Бектемир
Мирзо Улуғбек
Миробод
Сирғали
Собир Раҳимов
Ҳамза
Чилонзор

Учтепа тумани
Бектемир
Мирзо Улуғбек
Миробод
Сирғали
Собир Раҳимов
Ҳамза
Чилонзор

Туман (шаҳар) суди номи

Туман, шаҳарлар номи

Шайхонтоҳур
Юнусобод
Яккасарой

Шайхонтоҳур
Юнусобод
Яккасарой

Фарғона вилояти

Фарғона шаҳар
Марғилон шаҳар
Қувасой шаҳар
Қўқон шаҳар

Фарғона шаҳар
Марғилон шаҳар
Қувасой шаҳар
Қўқон шаҳар

Бешариқ тумани
Боғдод
Бувайда
Данғара
Ёзёвон
Олтиариқ
Қўштепа
Риштон
Сўх
Тошлоқ
Учкўприк
Фарғона
Фурқат
Ўзбекистон
Қува

Бешариқ тумани
Боғдод
Бувайда
Данғара
Ёзёвон
Олтиариқ
Қўштепа
Риштон
Сўх
Тошлоқ
Учкўприк
Фарғона
Фурқат
Ўзбекистон
Қува

Хоразм вилояти

Урганч шаҳар

Урганч шаҳар

Боғот тумани
Гурлан
Урганч
Хазорасп
Хива
Хонқа
Шовот
Янгиариқ
Янгибозор
Қўшкўпир

Боғот тумани
Гурлан
Урганч
Хазорасп
Хива
Хонқа
Шовот
Янгиариқ
Янгибозор
Қўшкўпир

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

319 Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йил 12 августдаги «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги 137–II-сонли ва «Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги 138–II-сонли қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 29 августдаги «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги 96–II-сонли ва «Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги 97–II-сонли қарорларига асосан:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Тошкент туман суди тугатилсин.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Тошкент туман судининг раиси ва судьяси жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг судьялари деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий суди, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти туман (шаҳар) судларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги ПФ–3400-сонли «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Тохирий зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 9 сентябрь,
ПФ–4241-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 9 сентябрдаги
ПФ-4241-сонли Фармонида
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил
20 февралдаги ПФ-3400-сонли «Умумий юрисдикция
судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш
тўғрисида»ги Фармонида киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-иловада:

а) «Қорақалпоғистон Республикаси» бўлиmidан «Бўзатов» сўзи чиқариб ташлансин;

б) «Сирдарё вилояти» бўлиmidа:

«Меҳнатобод» сўзи чиқариб ташлансин;

«Шароф Рашидов» сўзлари «Сардоба» сўзига алмаштирилсин;

в) «Тошкент вилояти» бўлиmidан «Тошкент» сўзи чиқариб ташлансин;

г) «Тошкент шаҳри» бўлиmidаги, «Акмал Икромов» сўзлари «Учтепа» сўзларига алмаштирилсин;

д) «Фарғона вилояти» бўлиmidаги «Охунбобоев» сўзи «Қўштепа» сўзига алмаштирилсин.

2. 7-иловада:

а) «Тошкент вилояти» бўлиmidан «Тошкент» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «Тошкент шаҳри» бўлиmidаги «Акмал Икромов» сўзлари «Учтепа» сўзларига алмаштирилсин;

в) «Фарғона вилояти» бўлиmidаги «Охунбобоев» сўзлари «Қўштепа» сўзларига алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**320 Қишлоқ жойларда уй-жойларни лойиҳалаштиришни
такомиллаштириш ва қурилишни яхшилаш бораси-
даги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Қайд этиб ўтилсинки, республикамизда қишлоқ аҳоли пунктларини архитектуравий-режали асосда қуриш бош режаларига мувофиқ қишлоқларда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий якка тартибдаги уй-жойларни кенг қўламда барпо этиш, қишлоқ қиёфасини тубдан янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани жадал шакллантириш бўйича махсус Давлат дастури ишлаб чиқилган ва у изчил амалга ошириб борилмоқда.

«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ ихтисослаштирилган лойиҳа-қидирув институти, намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуришга узоқ муддатли имтиёзли кредитларни тақдим этаётган махсус «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки очилган. Якка тартибдаги уйларни ва ижтимоий объектларни «батамом тайёр» ҳолда топширадиган, ҳар бир минтақада бўлимлари мавжуд бўлган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ташкил этилган. Барча қишлоқ туманларида уй-жойларни қуриш намунавий лойиҳалар бўйича, ижтимоий, бозор ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари билан боғланган ҳолда олиб борилмоқда.

Шу билан бирга Андижон, Фарғона ва бошқа вилоятларнинг қишлоқ жойларида якка тартибдаги уйлар қурилишидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, авваламбор лойиҳалаштиришда бир қатор камчиликларни намоён қилди. Намунавий лойиҳалар мамлакат муайян минтақасининг табиий-иқлим шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олмаган ҳолда, қурилишда муҳим бўлган табиий омиллар — шамолнинг йўналиши, қуёшнинг ёритиши, миллий ва маҳаллий анъаналарнинг ўзига хослигини яхши ўрганмасдан туриб ишлаб чиқилган. Лойиҳаларда катта конструктив камчиликлар мавжуд — яъни шипларнинг етарлича баланд бўлмаганлиги, яшаш майдони, айниқса болалар хоналарида чекланганлиги, оиланинг яшаши учун барча зарур маиший шарт-шароитлар яратилмаганлиги шулар жумласидандир.

Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, қишлоқдаги намунавий якка тартибдаги турар жойларни лойиҳалаштириш сифатини тубдан ошириш асосида қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш, иморат солувчилар учун зарур қулайликлари билан ёруғ, кенг ва шинам уй-жойларни қуриш, шунингдек бош режаларга мувофиқ ҳолда қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда барпо этиш ҳамда замонавий муҳандислик коммуникацияларини, ижтимоий инфратузилма объектларини илдам ривожлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва ўрмон фонди категориясига киритилмаган ерларни қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан ер участкалари ажратиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан талабларга жавоб бермайдиган қишлоқ уй-жойларининг намунавий лойиҳалари бекор қилинди ҳамда уйларнинг умумий майдони ва хоналар баландлигини ошириш, гаражлар ҳамда ховли иморатлари қуриш, ховлининг хўжалик қисмида буғ қозонхонасини жойлаштириш ва бошқаларни назарда тутган ҳолда иморат солувчи учун зарур қулайликларни таъминлайдиган, шинамлиги яхшиланган уч, тўрт ҳамда беш хонали якка тартибдаги уйларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди;

«Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ лойиҳа-қидирув институти раҳбариятини юқори малакали, замонавий фикрлайдиган ва ташаббускор ёш кадрлар билан мустаҳкамлаш чоралари кўрилди;

қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жой массивларини қуриш учун ер участкаларини танлаб олиш бўйича бутун масалалар комплексини ҳал этиш учун Қорақалпоғистон Республикасида ва республика вилоятларида йиғма ва ҳудудий ишчи гуруҳлар тузилди.

2. Қишлоқ жойларда асосий қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ҳамда ҳайдаладиган майдонларнинг бевосита яқинида якка тартибдаги уй-жой қурилиши массивлари учун ер участкалари ажратилиши тақиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига мазкур қоидага қатъий риоя қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини лойиҳалаштиришни такомиллаштириш ва уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда:

қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш бош режасидан келиб чиққан ҳолда, якка тартибдаги турар жойларни қуриш учун ер массивларини танлаб олишнинг аниқ ва очиқ-ойдин тизими яратилишини;

қишлоқда якка тартибдаги уй-жойларни қуриш яшаш хоналарини оқилона режалаштириш, қуёшнинг ёритишини, шамолнинг йўналишини ҳисобга олиш ва бошқа табиий-иқлим омиллари ҳамда маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятларни назарда тутган ҳолда тасдиқланган янги намунавий лойиҳаларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилишини;

объектларни ва муҳандислик-коммунал инфратузилма тармоқларини — автомобиль йўллари, водопровод, газ, электр тармоқлари, телекоммуникация тизимларини илдам лойиҳалаштириш ва қуриш орқали қишлоқ уй-жой массивларини комплекс барпо этишни;

уй-жойларни «батамом тайёр» ҳолда қуришда замонавий маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланиб, илғор технологиялар ва янги конструк-

тив ечимларни қўллаш асосида турар жойларнинг сифати оширилиши ва қиймати туширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган:

2011 йилда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг имтиёзли ипотека кредитларини жалб қилган ҳолда, уй-жойларни 1-иловага* мувофиқ 2011 йилнинг III чорагида «батамом тайёр» ҳолда топшириш шартлари асосида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойларни барпо этиш;

2011 йилда 2-иловага* мувофиқ қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши массивларида ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари объектларини қуриш;

2011 йилда 3-иловага* мувофиқ қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши массивларида ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини бунёд этишнинг асосий параметрлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда 2011 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши массивларида якка тартибдаги уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини барпо этишнинг асосий параметрлари амалга оширилишини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан ҳамкорликда икки ой муддатда марказлаштирилган бюджет маблағлари ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 2011 йилда қишлоқ жойларда якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастурини биргаликда молиялаштириш ҳажмлари ҳамда манбаларини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси уй-жойларнинг маҳаллий шароитга мослаштирилган янги намунавий лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари давлат экспертизасидан синчиклаб ўтказилишини белгиланган тартибда таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, объектни «батамом тайёр» қилиб топшириш принципага қатъий риоя қилишни таъминлаган ҳолда, иморат солувчилар учун давлат экспертизасидан ўтган ва мослаштирилган лойиҳа қимматлашган тақдирда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларни қуришга якка тартибдаги иморат солувчилар билан «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК ўртасида тузилган контракт шартлари ўзгартирилмайди.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари:

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 1 декабригача 2011 йилда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуришга потенциал қарз олувчиларни аниқласин, шунингдек қури-

* 1 — 3-илвалар рус тилидаги матнда берилган.

лишнинг ўз вақтида бошланиши учун бирламчи бадалларнинг йиғилишини таъминласин;

2 ва 3-иловаларга мувофиқ асосий параметрларга кўра, сув таъминоти тармоқлари, шохобча йўллар ва квартал ичидаги автомобиль йўллари, шунингдек қишлоқ уй-жой массивларида ижтимоий инфратузилма объектлари қурилиши молиялаштирилишини таъминласин;

якка тартибдаги уй-жойларни қуришга ишончли пудрат ташкилотлари пухта ва қатъий танлаб олинишини ташкил этсин, танлаш ва баҳолаш шартларида қурилиш техникаси ҳамда кичик механизация воситалари, қурилиш асбоб-анжомлари мавжудлигини, қурувчи касбига эга бўлган малакали ишчилар ва муҳандис-техник кадрлар билан бутланганлигини, шунингдек белгиланган муддатларда «батамом тайёр» ҳолда топшириш шартларида уй-жойларни сифатли қуриш бўйича мажбуриятлар қабул қилинишини назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва бошқа манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар 2010 йилнинг 1 декабригача 2015 йилга қадар қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда қишлоқ қиёфасини тубдан янгилашга, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни кенг ёритишга бағишланган телекўрсатув ва радиоэшиттириш туркумлари, мақолалар чоп этилиши ташкил қилинишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 8 сентябрь,
ПҚ-1403-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

321 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 17 июндаги ПҚ–1354-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 17 июндаги ПҚ–1354-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Хўжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
201-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2010 йил 13 сентябрдаги 201-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 декабрдаги 272-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 12-сон, 97-модда) билан тасдиқланган Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги низом 9-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида қурилган уй-жой жойлашган ер участкаси туман ҳокимининг қарорига биноан,

якка тартибда уй-жой курувчига (Ўзбекистон Республикаси фуқаросига) ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан кимошди савдоси ўтказмасдан мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги 280-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 9-10-сон, 68-модда) билан тасдиқланган «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси иштирокида якка тартибда уй-жой қурилишини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги «қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги мақсадидаги ерлар таркибига» сўзлари «ҳар бир иморат солувчига 0,06 гектардан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ҳамда ўрмон фонди ерлари тоифасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

322 Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»- ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда ту- тилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора- тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарори- га ўзгартиришлар киритиш ҳақида

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 11 июндаги 160-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 45-модда) 1-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг «Биржа» ва/ёки «Солиқ инфо» газеталарини (кейинги ўринларда расмий нашрлар деб аталади) «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотлар (кейинги ўринларда банкротлик тўғрисидаги маълумотлар деб аталади) эълон қилинадиган расмий нашрлар этиб белгилаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда идоравий нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 13 сентябрь,
202-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

323 Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-5*

(2010 йил 24 сентябрдан қучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 13 мартдаги 2002-04-сон буйруғи билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1131, 2002 йил 23 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 8-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 25 август,
2010-15-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР
ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

324 Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Респуб-
ликаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж
аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш»
авиация қоидаларини (ЎЗР АҚ-94) тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141*

(2010 йил 25 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ИКАОнинг стандартлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-94) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 18 август,
96-сон

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил
18 августдаги 96-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси
фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг
иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш»
АВИАЦИЯ ҚОИДАЛАРИ (ЎЗР АҚ-94)**

Мазкур Қоидалар Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенциясининг (Чикаго, 1944 йил 7 декабрь) 6-иловаси, Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 февралдаги 90-сон «Ўзбекистон Республикаси парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 99-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш тартибини белгилайди.

І. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар ишлатилади:

асосий экипаж — парвоз топшириғини бажариш учун қўшимча экипаж аъзоларисиз, шунингдек парвоз топшириғи аэродром машқлари ёки ўқув парвозларини назарда тутса, машқ қилувчи экипаж аъзоларисиз тайинланган экипаж таркиби;

базавий аэропорт (база) — экипаж аъзоларининг доимий ишлайдиган аэропорти;

базавий вақт — базавий аэропорт жойлашган жой ёки экипаж аъзолари 72 соат ва ундан ортиқ вақт турган бошқа аэропорт учун ҳисобланадиган вақт;

борткузатувчилар бригадасининг кўпайтирилган таркиби — меъёридан ортиқ парвоздаги хизмат вазифаларини бажаришда мустаҳкам ишлаш қобилиятини сақлаш учун парвоздаги бригада аъзоларига дам бериш мақсадида бригада аъзолари сонининг кўпайтирилган борткузатувчилар бригадаси;

дам олиш вақти — экипаж аъзоларининг хизмат вазифаларини бажариш давридан сўнг ва/ёки бажариш давридан олдин хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилинган узлуксиз ва маълум вақт даври;

захирада навбатчилик вақти — экипаж аъзолари парвоз топшириғини бажариш учун доимий тайёрликда бўладиган вақт;

захирадаги навбатчилик — экипаж аъзоси парвозга доимий тайёр-

гарликда бўлиш мақсадида профилакторийда, меҳмонхонада, махсус жиҳозланган хонада, шунингдек эксплуатант рухсати билан уй шароитларида навбатчилик қилиш;

иш вақтининг жамланган ҳисоби — жамлаш усули билан ҳисоб вақт даври (24 соат, ҳафта, ой) учун экипаж аъзоларининг иш вақтини фактик ҳисоби;

кўпайтирилган парвоз иш вақтининг давом этиши — сутка вақти ва режали қўнишлар сони ҳисобга олинган ҳолда узлуксиз 24 соатлик давр мобайнида тўлиқ кўпайтирилмаган (кучайтирилмаган) экипаж аъзоларининг ушбу Қоидаларда белгиланган кўпайтирилган парвоз иш вақтининг давом этиши;

меъёрдан ортиқ парвоз — парвоз иш вақтини нормал давом этишидан кўпроқ давом этувчи парвоз (ёки рейс бўйича парвозлар серияси);

меъёрдан ортиқ парвоздаги экипаж аъзосининг ишдаги танаффуси — узун муддатли парвозни хавфсизлигини таъминланишини ва соғлиқ сақланишини кўзлаб, организм психофизиологик функцияларини ва профессионал фаолиятини лозим даражада сақлаш учун қисқа муддатли дам олиш мақсадида меъёридан ортиқ парвоздаги экипаж аъзоси хизмат вазифаларини бажаришдан озод этиладиган вақт даври;

оралиқ аэропорт — парвозни бажариш вақтида ХК қўниши режалаштирилган оралиқ аэропорт;

оралиқ ёки якуний аэропортда тўхтаб туриш вақти — ҳаво кемаси (кейинги ўринларда ХК деб юритилади) қўнганидан кейин двигателнинг ўчирган вақтидан бошлаб парвозни давом эттириш ёки бошқа парвозни амалга ошириш учун двигателни ҳаракатга келтиришгача бўлган вақт;

охирги аэропорт — парвозлар тугайдиган аэропорт;

парвоз вақти — парвоздан олдин ХК двигателини ҳаракатга келтиришдан бошлаб қўнгандан кейин охирги ХК двигателини ўчиришгача ҳисобланган экипаж аъзоларининг парвоз иш вақтининг бир қисми;

парвоз вақтининг йиллик меъёри — календарь йилдаги экипаж аъзолари парвоз вақтининг йиғиндиси бўйича ушбу Қоидаларда белгиланган чеклов;

парвоз вақтининг ойлик меъёри — календарь ойдаги экипаж аъзолари парвоз вақтининг йиғиндиси бўйича ушбу Қоидаларда белгиланган чеклов;

парвоз иш вақтининг максимал давомийлиги — максимал экипаж таркиби учун суткалар вақти ва режали қўнишлар сони ҳисобга олинган узлуксиз 24 соатлик даврдаги мазкур Қоидаларда белгиланган парвоз иш вақтининг йўл қўйилган давомийлиги;

парвоз иш вақтининг нормал давом этиши — минимал экипаж таркиби учун суткалар вақти ва режали қўнишлар сони ҳисобга олинган узлуксиз 24 соатлик даврдаги мазкур Қоидаларда белгиланган парвоз иш вақтининг давомийлиги;

парвоз олдидан тайёрланиш вақти — барча экипаж аъзоларининг парвоз учун келган вақтидан бошлаб ХК двигателларини парвоз олдидан ҳаракатга келтиришгача бўлган узлуксиз вақтнинг бир қисми;

парвоздан кейин дам олиш вақти — соғлиқни сақлаш ва кейинги парвозларда хавфсизликни таъминлашни кўзлаб, ўта чарчаш ва касалликларнинг ривожланишини профилактика қилиш мақсадида организмнинг психофизиологик функцияларини тиклаш учун эксплуатант томонидан экипаж аъзоларига парвоз топшириғи бажарилганидан сўнг бериладиган узлуксиз давом этувчи вақтнинг бир қисми;

парвоздан кейинги иш вақти — ХК двигателлари ўчирилганидан бошлаб экипаж аъзоларининг парвоздан кейинги ишларни тугатишигача бўлган узлуксиз вақтнинг бир қисми;

парвозлар оралиғидаги дам олиш вақти — ҳар кунги парвозларни бажариш вақтида дам олиш учун экипаж аъзоларига эксплуатант томонидан бериладиган узлуксиз вақтнинг бир қисми;

парвознинг режалаштирилмаган ҳолатлари — парвоз топшириқларини бажаришда парвоз иш вақтига ва дам олиш вақтига таъсир қилувчи парвоз режасида назарда тутилмаган вазият ёки ҳолатлар;

регламентланган танаффус — экипаж аъзоларининг ишлаш қобилятини тиклаш мақсадида, меъёрдан ортиқ парвозларда, шунингдек махсус авиация ишларини (кейинги ўринларда МАИ деб юритилади) ўтказишдаги парвозлар оралиғида экипаж аъзолари дам олиши учун танаффус;

толиқиш — экипаж аъзосининг ХКни хавфсиз бошқариш ёки хизмат вазифаларини бажариш қобиляти ва фаоллигининг сусайишига олиб келиши мумкин бўлган уйқусизлик ёки узоқ давом этган хушёрлиги ва/ёки жисмоний фаолияти натижасида жисмоний ёки ақлий ишлаш фаолияти сусайишининг физиологик ҳолати;

тунги (кундузги) парвоз вақти — экипаж аъзолари қуёш ботгандан (чиққандан) қуёш чиқишигача (ботишигача) парвозни бажарадиган вақт даври;

учишга оид икки таркибли экипаж — қисқа муддатли дам олиш ва ўз кучини тиклаш учун меъеридан ортиқ парвоздаги экипажнинг ҳар бир аъзосига танаффус тақдим этилиши мумкин бўлган бир парвоз топшириқли экипаж аъзоларининг кўпайтирилган парвоз таркиби;

хизмат вазифалари — эксплуатантнинг кўрсатмаси бўйича экипаж аъзоси бажариши шарт бўлган ҳар қандай вазифа, шу жумладан парвоз мажбуриятлари, маъмурий иш, тайёргарлик, хизмат вазифасини бажарадиган жойга кўчиш ва захирада бўлиш, агар улар толиқишга олиб келадиган бўлса;

экипаж аъзоларининг кўпайтирилган парвоз таркиби — меъеридан ортиқ парвозда мустаҳкам ишлаш қобилятини сақлаш мақсадида экипаж аъзоси (аъзолари)га қисқа муддатли дам олиш учун ишдан танаффус бериш мақсадида бир ёки ундан кўп аъзога кўпайтирилган экипаж аъзоларининг таркиби;

экипажнинг минимал таркиби — парвоз эксплуатацияси бўйича қўлланмада (кейинги ўринларда ПЭҚ деб юритилади) белгиланган экипаж таркиби;

экипажнинг стандарт куни — экипаж аъзоларини доимий базалашган

ёки вақтинча яшаб турган жойда яшаш муддати 3 суткадан ортиқ (шу жумладан кетма-кет 3 тун)ни ташкил қилган жойдаги соат поясининг 6 соат 00 дақиқадан 22 соат 00 дақиқагача бўлган вақт оралиғи;

экипажнинг стандарт туни — экипаж аъзоларини доимий базалашган ёки вақтинча яшаб турган жойда яшаш муддати 3 суткадан ортиқ (шу жумладан кетма-кет 3 тун)ни ташкил қилган жойдаги жорий сутканинг соат пояси 22 соат 00 дақиқадан кейинги сутканинг 6 соат 00 дақиқагача бўлган вақт оралиғи;

эстафетада бўлиш вақти — экипаж аъзолари базавий аэропортдан ажралган ҳолда талаб қилинадиган жойда парвозларни давом эттириш мақсадида бошқа экипажни алмаштириши учун узлуксиз вақтнинг бир қисми;

эстафетали қатнов — ораликдаги ёки охириги аэропортда ХҚни бир экипаждан бошқа экипажга топшириш амалга ошириладиган рейс.

кўнишларсиз транскенглик парвоз — шимолий (66 даражадаги шимолий кенглик) ва жанубий (66 даражадаги жанубий кенглик) кенгликларни кесиб ўтувчи парвоз;

кўнишларсиз трансмеридиан парвоз — беш ва ундан ортиқ соат поясларини кесиб ўтувчи парвоз;

хаво кемасининг катта командири — экипажни каттаси қилиб тайинланган ва парвоз топшириғининг «ХҚК» графасида биринчи бўлиб ёзилган, инструкторлик ишларини бажариш рухсатига эга бўлган кўпайтирилган (кучайтирилган) экипаж таркибидаги ХҚ командирларининг (кейинги ўринларда ХҚК деб юритилади) иккитасидан бири.

2. Эксплуатант иш вақти, парвоз вақти, парвоз иш вақти ва дам олиш вақтининг меъёрларини Авиация маъмурияти томонидан белгиланган қоидаларни инобатга олган ҳолда белгилайди. Мазкур меъёрлар эксплуатант томонидан экипаж аъзоларининг толиқишини назорат қилишга имконият беради ва Парвозларни бажариш бўйича қўлланмага (кейинги ўринларда ПБҚ деб юритилади) киритилади.

3. Белгиланган меъёрлардан четга чиқиш зарурати туғилган ҳолатларда эксплуатант бундай четга чиқишларни амалга оширишга йўл қўювчи восита ва услубларни белгилаб беради. Бунда парвоз хавфсизлигининг эквивалентлик даражаси таъминланади, восита ва услублар эса Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси билан келишилади.

4. Эксплуатант экипажнинг ҳар бир аъзоси бўйича иш вақти, парвоз вақти, парвоз иш вақти ва дам олиш вақт даври ҳисобини олиб боради. Ҳисоб учун фойдаланиладиган ҳужжатларнинг шакллари эксплуатант томонидан ишлаб чиқилади ва ПБҚга киритилади ҳамда қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади: ҳар бир ҳисоб даврининг бошланиши ва охири, шунингдек ҳар бир ҳисоб даврининг давомийлиги ва жамланма натижалари.

5. Эксплуатантга парвоз хавфсизлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган даражагача экипаж аъзосининг толиққанлиги маълум бўлса ёки таҳмин қилса, экипаж аъзосига ХҚни эксплуатация қилишга топшириқ бермаслиги лозим.

6. Экипаж аъзоси парвоз хавфсизлигига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган даражагача толиққанда ўз вазифаларини бажармаслиги керак.

7. Экипаж аъзоси дам олиш учун қилинган шароитлардан унумли фойдаланиши, шунингдек ўзининг дам олиш вақтини шундай режалаштириб ўтказиши керакки, тўлақонли куч тикланиши таъминлансин. Экипаж аъзоси тегишли дам олишдан кейин, лозим бўлган ҳолатда хизмат вазифасини бажаришга етиб келиши керак.

8. Экипаж аъзоси ўзининг иш вақти, парвоз вақти, парвоз иш вақти ва дам олиш вақти шахсий ҳисобини юритиши лозим.

II. Экипаж аъзоларининг иш вақти

1-§. Ердаги иш вақти

9. Экипаж аъзосининг иш вақти ердаги иш вақти ва парвоздаги иш вақти йиғиндисидан жамланади.

10. Экипаж аъзоларига кетма-кет 7 календарь кун учун 36 соатдан иборат қисқартирилган иш вақти белгиланади.

11. Экипаж аъзолари учун иш вақтининг жамланган ҳисоби қўлланилади.

12. Экипаж аъзоларининг ердаги иш вақти қуйидагиларни ўз ичига олади: бўлинмаларда ишлаш вақти (парвозларга олдиндан тайёрланиш, парвозларни таҳлил қилиш, ҳужжатларни ўрганиш, профессионал машғулотлар, тренажёрларда ишлаш, билимларни синаш, парвоз ва хизмат ҳужжатларини расмийлаштириш ва бошқалар);

малака ошириш курсларида ўқиш вақти;

тиббий-учиш эксперт комиссиясидан ўтиш вақти;

захирада навбатчилик қилиш вақти;

оралиқ ёки охириги аэропортдаги экипаж аъзолари алмашинуви эстафетасида бўлиш вақти;

базавий аэропортда ХҚга юк ортиш ва тушириш вақти (хизмат кўрсатувчи ходимлар — бортоператорлар ва борткузатувчилар учун);

парвоз топшириғини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ерда бажариладиган бошқа ишларни бажариш вақти.

13. Экипаж аъзоларининг ердаги иш вақти эксплуатант томонидан белгиладиган тартибда регламент қилинади. Бунда экипаж аъзоларининг ердаги иш вақти парвоз иш вақтига киритилмайди.

14. Захирадаги навбатчилик 24 соатдан ошмаслиги керак. Эксплуатант экипаж аъзоларини дам олиш учун зарур шароитга эга бўлган хоналарга жойлаштиришни таъминлайди (агар навбатчилик уй шароитида ўтмаса). Захирадаги навбатчиликнинг ҳақиқий вақти эксплуатант томонидан белгиланган тартиб бўйича ҳисоб даври учун иш вақтига киритилади, лекин экипаж аъзоси парвозни бажариш учун захирадан чақириб олинган бўлса, парвоз иш вақтига киритилмайди.

15. Аэропортларда экипаж алмашинуви эстафетасида бўлган вақт, берил-

ган дам олиш кунлари бундан мустасно, агар улар берилган бўлса, эксплуатант томонидан белгиланган тартибда ҳисоб даври учун иш вақтига киритилади. Ушбу вақт парвоз иш вақтига киритилмайди.

2-§. Парвоз иш вақти

16. Парвоз иш вақти экипаж аъзосининг режа бўйича парвоз олди тайёргарликка етиб келган вақтидан бошланади ва парвоздан кейинги ишлар тамом бўлганидан кейин тугалланади.

17. Экипажнинг парвоз иш вақти ўз ичига қуйидагиларни олади:

парвоз олди тайёргарлиги вақти;

парвоз вақти;

оралиқ (охирги) аэропортда экипаж алмашинувисиз тўхтаб туриш вақти;

парвоздан кейинги иш вақти;

экипаж аъзоларига тўла дам олиш вақти берилмаган бўлса, бошланғич, оралиқ ва охирги аэропортлардаги режадаги учиш вақтидан кечиктирилган вақт;

хизмат топшириғи бўйича йўловчи сифатида учиш вақтининг 50 фоизи;

парвоз амалга оширилмаган ҳолларда ХК двигателлари ва тизимларини ёқиш, иситиш, ишлатиб кўриш вақт даври;

оралиқдаги ва охирги аэропортларда экипаж аъзолари иштирокида ХКга юк ортиш ва тушириш вақти;

18. Парвоз олди тайёргарлик вақти ХК аниқ турининг экипаж аъзоларини иш технологиясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, экипаж аъзолари таркибига боғлиқ ҳолда меъёрланади ҳамда базавий аэропортда ва экипаж алмашинув аэропортида 1 соатдан кам бўлмаслиги, шунингдек экипаж алмашинувсиз оралиқ ва охирги аэропортларда 30 дақиқадан кам бўлмаслиги лозим.

19. Қатнов кечиктирилган ҳолларда экипаж аъзоларига дам олиш учун лозим бўлган шароитлар яратилмаган тақдирда, учишни кутиш вақти парвоз вақтига тўлиқ киритилади.

20. Сутка вақти (база вақти бўйича), экипажнинг таркиби ва режали қўнишларнинг сонига боғлиқ ҳолда узлуксиз 24 соатлик давр мобайнида ХК экипаж аъзолари учун нормал, кўпайтирилган ва максимал парвоз иш вақти давомийлиги ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ белгиланади.

21. Кўпайтирилган ёки учишга оид икки таркибли экипаж томонидан парвозларининг бажарилишида парвоз топшириғини бажаришга сарфланган парвоз иш вақти экипажнинг барча аъзоларига тўлиқ ҳисобланади.

22. Экипаж аъзоларининг парвоздан кейинги иш вақти ХКнинг турига қараб эксплуатант томонидан тасдиқланади ва бу вақт 30 дақиқадан кам бўлмаслиги лозим.

23. Парвоз топшириғини бажариш жойига ёки парвоздан кейин дам олиш жойига (парвоз топшириғи тугаганидан кейин) хизмат вазифасини бажариш бўйича йўловчи сифатида учиб борган экипаж аъзосига учишга сарфланган парвоз вақтининг 50 фоизи ҳисобланади. Парвоз топшириғини бажариш

жойига учиб боргандан кейин экипаж аъзолари парвоз иш вақтининг суткалик меъёрининг қолган қисми чегарасида (учиб бориш ҳисобга олинган ҳолда) дам олмасдан парвоз топшириғини бажаришга киришиши мумкин. Агар экипаж аъзоларининг парвоз иш вақти (учиб бориш ҳисобга олинган ҳолда) рухсат этилган суткалик меъёрдан ошмаган бўлса, экипаж аъзолари парвоз бажарилиши билан парвоздан кейин дам олиш жойига учиб бориши мумкин. Агар қолган парвоз иш вақти парвоз топшириғини бажариш ёки парвоздан кейин дам олиш жойига учиб бориш учун етарли бўлмаса, экипаж аъзоларига ухлаш учун шароит яратилиб, камида 12 соат давомида дам олгандан кейин парвоз топшириғини бажариш ёки парвоздан кейин дам олиш жойига учиб бориши мумкин.

24. Парвозни бажариш вақтида экипаж аъзоларининг парвоз иш вақти узилиши 4 соатдан ошиб кетса, (жадвал бўйича узоқ тўхтаб туриши, парвоз ушланиши, кундузги дам олиш вақти билан иш кунни ва бошқалар) бундай танаффуслар вақти, (парвоздан кейинги ишлар тугагандан кейин парвоз олди тайёргарлиги бошлангунча) агар экипаж аъзоларининг ҳаммаси хоналарга жойлаштирилиб, тўлиқ дам олиш имкониятлари билан таъминланган бўлсалар, парвоз иш вақтига киритилмайди. Парвозлар орасидаги 4 соатдан кам бўлган танаффус, дам олиш шароитидан қатъи назар, тўлиқ дам олиш вақти деб ҳисобланмайди ва экипажнинг парвоз иш вақтига қўшиб ҳисобланади.

25. ҲҚ тўхтаб турган вақтда экипаж аъзоларининг овқатланиш вақти парвознинг иш вақтига киритилмайди. Экипаж аъзоларига овқатланиш учун танаффуснинг давом этиши 0,5 соатдан кам ва 3 соатдан кўп бўлмаган вақт белгиланади.

26. Ўқув ва/ёки машқ аэродром парвозларини бажаришда экипажнинг парвоз иш вақти 10 соатдан ошмаслиги керак. Бундай парвозлар бажарилишининг тартиб ва шартлари эксплуатант томонидан белгиланади, бунда қўнишга киришнинг сони 25 тадан ошмаслиги, қўниш эса 12 тадан ортиқ бўлмаслиги керак.

27. Авиация кимёвий ишларни (кейинги ўринларда АКИ деб юритилади) ва МАИ бажаришда экипаж аъзоларининг парвоз иш вақти кунига 12 соатдан ошмаслиги, кундузги дам олиш билан бўлган (эрталабки парвоз ва тунги парвоз) иш кунига экипаж аъзоларининг парвоз жами иш вақтининг давом этиши кунига 10 соатдан ошмаслиги керак. Экипаж аъзолари дам олиш учун частота ва регламентланган танаффуслар вақти МАИ нинг ҳар бир тури учун эксплуатантнинг ПБҚ билан белгиланади.

Бундай регламентланган танаффусларнинг вақти экипаж аъзоларининг парвоз иш вақти давомийлиги жамланмасига киритилади.

Экипаж аъзоларига тўлиқ дам олиш вақти берилса, эрталабки парвозлар ва кечки парвозлар орасидаги танаффус (4 соатдан кўп даврга) ҳар кунги парвоз иш вақти давомийлиги жамланмасига киритилмайди.

28. Ишлаб чиқариш зарурати бўлганда парвозлар кўпайтирилган ёки икки таркибли экипаж томонидан парвоз иш вақтининг давомийлик меъёри муддати 2 ва 4 соатга ошган ҳолда бажарилиши мумкин. Кўпайтирилган ёки

икки таркибли экипаж томонидан ишларни бажариш тартиби ва шартлари эксплуатант томонидан авиаходимлар касаба уюшмаси билан келишилган ҳолда белгиланади ва ПБҚга киритилади.

Экипаж аъзоларининг бориш ва келиш йўналишларидаги меъёрдан ортиқ парвозлари, трансмеридиан, транскенгликдаги қўнишсиз парвозлари 7 кун давомида 1 мартадан ошмаган ҳолда ва 30 календарь кун давомида 2 мартадан ошмаган ҳолда (14 соатгача парвоз иш вақти билан меъёридан ошган парвозлар учун 30 календарь куни давомида 4 мартадан ошмаган ҳолда) режалаштирилиши мумкин.

29. Экипажга кетма-кет иккита стандарт тунли парвоз режалаштиришга рухсат этилмайди.

3-§. Парвоз вақти

30. Экипаж аъзоларининг ҳисоб даврида ХКнинг турлари бўйича парвоз вақти давомийлиги меъёрлари мазкур Қоидаларга 2-иловага биноан белгиланади.

31. ХКлари экипаж аъзолари учун парвоз вақти учиш куни бўйича меъёрланмайди, чунки уларнинг парвоз иш вақти узлуксиз 24 соат ҳисоб даври мобайнида меъёрланади.

32. АКИ ва МАИ ишларини бажарувчи ХК экипаж аъзолари учун парвоз иш вақти учиш куни бўйича меъёрланишидан ташқари эксплуатант ПБҚда қўшимча равишда аниқ иш тури учун битта парвознинг вақти, парвозлар сони ва учиш кунига парвоз вақти меъёрланади.

33. Ишлаб чиқариш зарурати бўлганда, учиш отряди шифокорининг ижобий хулосаси бўлганда, экипаж аъзосига унинг ёзма равишда берган розилиги билан парвоз вақти жамланмаси ойига меъёрдан 25 фоиз ортиқ, лекин йилига 3 ойдан кўп бўлмаган ва кетма-кет 2 ойдан кўп бўлмаган миқдорда оширилиши мумкин.

Парвоз вақтининг йиллик меъёри оширилмайди.

34. Ойлик парвоз вақти меъёрининг кўпайишига қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

трансмеридиан, транскенглик қўнишсиз парвозларда — 8% дан ортиқ бўлмаган;

бошқа парвозларда — кўпи билан 5% дан ортиқ бўлмаган;

АХИда — кўпи билан 4% дан ортиқ бўлмаган.

35. Бир неча турдаги ХКлардаги парвозларни бажаришда экипаж аъзолари учун парвоз вақтининг ойлик ва йиллик меъёрлари ХКнинг тегишли турларига мутаносиб парвоз вақтининг меъёри билан белгиланади.

36. Кўпайтирилган экипаж таркиби билан парвозларни бажаришда экипажнинг ҳар бир аъзосига парвоз вақтида фақат ўзининг иш жойида бўлган ва экипаж аъзоси вазифаларини бажарган вақти ҳисобланади.

Ишдаги парвозда берилган танаффус вақти экипаж аъзосининг парвоз вақти бўлиб ҳисобланмайди. Бундай парвозларда экипаж аъзоларининг пар-

воз вақтининг ҳисоб тартиби эксплуатант томонидан белгиланади ва ПБҚга киритилади.

III. Ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг дам олиш вақти

1-§. Экипаж аъзоларининг дам олиш турлари

37. ҲК экипаж аъзоларининг дам олиш турлари қуйидагича белгиланади: парвозлар оралиғида базавий аэропортда дам олиш; парвозларни бажаришда базавий аэропорт ташқарисида дам олиш; меъёрдан ортиқ бўлган парвозларда дам олиш учун танаффус; ҳар ҳафтада дам олиш (дам олиш кунлари);

38. Экипаж аъзоси парвоздан кейинги 24 соат дам олгандан кейин 48 соатдан кам бўлмаган дам олиш вақти бериладиган бўлса, экипажнинг парвоздан кейинги дам олиш вақти унинг жадвал бўйича дам олиш куни билан уйғунлаштиришга рухсат берилади.

2-§. Парвозлар оралиғида базавий аэропортда дам олиш

39. 12 соат давом этган иш вақтида экипаж аъзоларининг парвозлар оралиғидаги дам олиш вақти 12 соатдан кам бўлмаслиги (агар парвоз иш вақтининг ярмидан кўпи экипажнинг стандарт кунига тўғри келса) ва 24 соатдан кам бўлмаслиги керак (агар парвоз иш вақтининг ярмидан кўпи экипажнинг стандарт тунига тўғри келса).

Қатновлар орасидаги дам олиш парвоз топшириғини бевосита бажариб бўлингандан кейин берилади.

40. Парвоз иш вақти кўпайтирилган ва максимал бўлган парвозларни бажаришда экипаж аъзоларига парвозларнинг орасида 36 соатдан кам бўлмаган парвозлараро дам олиш кўринишида интервал берилади.

41. Трансмеридиан ва транскенглик парвозларни бажаришда экипаж аъзоларининг дам олиш вақтлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

парвоз иш вақти давомийлиги меъёри бўлган парвозлардан кейин камида 24 соат;

парвоз иш вақти кўпайтирилган ва максимал бўлган парвозлардан кейин камида 48 соат.

3-§. Парвозларни бажаришда базавий аэропорт ташқарисида дам олиш

42. Оралиқдаги ва охириги аэропортларда, экипаж алмашиш ва экипаж алмашмасдан парвозларни бажаришда экипаж аъзоларига дам олиш сутка вақти ҳисобга олинмаган ҳолда берилади. Дам олиш олдинги парвоз иш вақтига боғлиқ бўлади ҳамда қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

олдинги парвоз иш вақти меъёр бўйича 12 соатгача давом этган бўлса — камида 12 соат;

парвоз иш вақти кўпайтирилган ва максимал бўлган, шунингдек транс-меридиан ёки қўнишларсиз транскенглик парвозларни бажаришда камида 24 соат.

43. Агар экипаж хизмат топшириғи бўйича йўловчи сифатида учиб ўтган бўлса ва унга парвоз топшириғини бажариш учун қолган парвоз вақти ет-маса, парвоз 12 соатдан кам бўлмаган, ухлаш учун шароит яратилган дам олишдан кейин бажарилиши мумкин.

4-§. Меъёрдан ортиқ парвозларни бажаришда экипаж аъзоларига танаффус бериш

44. Меъёрдан ортиқ парвозларни бажаришда парвоз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида психологик функция ва профессионал фаолиятни лозим даражада сақлаш учун экипаж аъзоларига дам олиш учун бериладиган танаффус вақти тўла дам олиш вақти ҳисобланмайди ва улар парвоз вақти-дан чиқариб ташланмайди.

45. Кўпайтирилган экипаж учувчилар таркибининг аъзоларига парвозда бериладиган танаффуслар навбатини катта ХҚК, кучайтирилган борткузатувчилар бригадасида эса борткузатувчилар бригадаси бошлиғи тартибга солади.

46. Экипаж учувчи таркибининг ва борткузатувчилар бригадасининг ҳар бир қўшимча аъзосига дам олиш учун жой ажратилиши лозим, шу жумладан йўловчиларни ташишда ХҚКнинг йўловчи салоҳида ҳам ажратилиши керак.

5-§. Ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш вақти (дам олиш кунлари)

47. Экипаж аъзоларига беш кунлик иш ҳафтаси давомида, ҳафтада икки кун дам олиш берилади, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир кун берилади.

48. Экипаж аъзоларига дам олиш кунлари базавий аэропортда, шунингдек узок эстафеталардаги экипаж алмашинув аэропортларида берилади. Эстафетани кутаётган вақтида экипаж аъзоларига бериладиган дам олиш экипажнинг парвоз топшириғида кўрсатилиши керак.

IV. Парвозда режалаштирилмаган вазиятларда иш ва дам олишнинг хусусиятлари

49. Парвоздаги режалаштирилмаган вазиятларга қуйидагилар киради: турли сабаблар билан бошланғич, оралик ва якуний аэропортларда учининг кечиктирилиши;

захирадаги аэродромга қўниш;

ерда ва парвозда авиация техникасининг ишламай қолиши;

парвоз режасининг ўзгаришига таъсир қилувчи бошқа вазиятлар.

50. Бошланғич, ораликдаги ва охири аэропортлардан учиб кетишнинг ҳар қандай сабабларга кўра кечиктирилиши, шунингдек қатновни тугатиш учун захира аэродромида қўнгандан кейин барча экипаж аъзолари оғзаки розилик берган ҳолда ХҚК экипажга белгиланган парвоз вақтини 2 соатга узайтиришга ҳақлидир ва бу ҳақда парвоз топшириғига ёзув киритади.

Бундай қатнов тугатилгач, экипажнинг барча аъзоларига базавий аэро-портда парвоздан кейинги дам олиш вақти 50 фоизга узайтирилади.

V. Иш вақти ва дам олиш вақтини режалаштириш ва ҳисобга олиш

51. Экипаж аъзоларининг ойлик иш режаси уларнинг ойлик иши ва дам олиш экипаж аъзоларига камида 7 кун олдин етказиладиган режа-жадвалида амалга оширилади.

52. Экипажнинг ҳар бир аъзоси учун иш вақти, дам олиш кунлари ва таътилини жамланган ҳисоби олиб борилади.

VI. Якуний қоида

53. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон авиаходимлари касаба қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. ХАИТОВ

2010 йил 18 август

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРОМОВ

2010 йил 18 август

*Ўзбекистон авиаходимлари
касаба қўмитаси МК раиси*

Ш. МИНГАЛИЕВ

2010 йил 18 август

*«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
миллий авиакомпанияси
Бош директори*

В. ТЯН

2010 йил 18 август

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг
ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва
дам олиш вақтини нормалаштириш
авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-94)
1-ИЛОВА

324-модда

— 78 —

37 (433)-сон

**Парвоз иш вақтининг давомийлиги
МЕЪЁРЛАРИ**

Парвознинг шароитлари	Экипаж таркиби	Режадаги қўнишга қараб парвоз иш вақтининг (соатда) давомийлиги				
		давомийликнинг номланиши	1-2 та қўниш	3 та қўниш	4 та қўниш	5 ва ундан кўпроқ қўниш
Экипаж парвоз иш вақти- нинг ярмидан кўпи стан- дарт кунларида ўтади	Минимал (ХҚ УФР асосан)	Меъёрдаги	12	11,5	11	10
	Кўпайтирилган (кучайтирилган ХҚК штурман, бортмуҳандис)	Кўпайтирилган	14	13,5	13	12
	Икки таркибли (экипажнинг учиш таркиби ҳамма аъзолари кучайти- рилган ва борткузатувчилар бри- гадаси 50%гача)	Максимал	16	15,5	15	14
Экипаж парвоз иш вақти- нинг ярмидан кўпи стан- дарт тунларида ўтади	Минимал (ХҚ УФР асосан)	Меъёрдаги	12	11	10	-
	Кўпайтирилган (кучайтирилган ХҚК штурман, бортмуҳандис)	Кўпайтирилган	14	13	12	-
	Икки таркибли (экипажнинг учиш таркиби ҳамма аъзолари кучайти- рилган ва борткузатувчилар бри- гадаси 50%гача)	Максимал	16	15	14	-

Ўзбекистон Республикаси фуқаро
авиациясининг ҳаво кемалари экипаж
аъзоларининг иш вақти ва дам олиш
вақтини нормалаштириш авиация
қоидаларига (ЎзР АҚ-94)
2-ИЛОВА

Парвоз вақтининг давомийлиги
МЕЪЁРЛАРИ

Ҳаво кемасининг тури, ходимлар	Парвоз вақти (соатда)		
	Учиш куни	ой	йил
1. Транспорт авиацияси учун			
а) Экипажнинг учиш ходимлари:			
Б-767. Б-757, А-310, А-300/600, А-320, RJ-85, Ил-76. Ту-154. Як-40, Ан-12	Меъёрлаштирилмаган	75	750
Ил-114, Ан-24, Ан-26	Меъёрлаштирилмаган	70	700
б) экипажнинг хизмат кўрсатувчи ходимлари:			
Борткузатувчи — аёл	Меъёрлаштирилмаган	75	750
Борткузатувчи — эркак	Меъёрлаштирилмаган	80	800
Ил-76, Ан-12, Ан-26 ХКга бортоператор	Меъёрлаштирилмаган	80	800
2. Транспорт ва махсус авиация ишларида (АХИдан ташқари):			
Вертолётлар	8	70	700
Ан-2 ва ЎЕУА	8	80	800
3. АХИда ўта хавфли ўғитлар:			
Ан-2 ва ЎЕУА	5	80	800
4. Минерал ўғитлар уйғунлигида ўртамиёна — хавфли пестицидлар билан ишлашда ва минерал ўғитлар ва кам хавфли пестицидлар, биоқўшимчалар, аэросев уруғлиги билан ишлашда:			
Ан-2 ва ЎЕУ	7	80	800

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

325 Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-7*

(2010 йил 25 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4-сонли қарори (рўйхат рақами 1122, 2002 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 7-сон) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 14 август,
27/4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк Бошқарувининг 2010 йил
14 августдаги 27/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 41-банднинг «г» кичик банди тўртинчи хатбошисидagi «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 49-банд қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
«Бунда солиқ органлари инкассо топшириқномаларини бевосита тўловчининг банкига электрон шаклда қўйиш ҳуқуқига эга.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**326 Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги
низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-1*

(2010 йил 26 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 октябрдаги 222-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 43-сон, 429-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазир-

лиги ва Давлат мулкани бошқариш Давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 24, 51, 01/ЎзРТХБ-18/10-сонли қарори билан тасдиқланган Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга (рўйхат рақами 1679, 2007 йил 8 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 19-20-сон, 206-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

23-банддаги «2» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

29-банддаги «2 фоиз» сўзи «10 фоизгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» Акциядорлик компанияси ва «ЎзРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 сентябрь,
98-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 сентябрь,
74-сон

**Давлат мулки
қўмитаси раиси в.б.**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 3 сентябрь,
01/19-18/07-сон

Келишилган:

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2010 йил 25 август

**Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

Ж. ИСМОИЛОВ

2010 йил 25 август

«Ўзқурилишматериаллари»
АК раиси

Э. АКРАМОВ

2010 йил 25 август

«ЎзРМХБ» ОАЖ
бошқарув раиси

Т. ТЎХТАБОЕВ

2010 йил 25 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

327 Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақида- ги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1677-1*

(2010 йил 26 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 октябрдаги 222-сонли «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2007 йил, 43-сон, 429-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 23, 50, 01/ЎзРТХБ-18/11-сонли қарори билан тасдиқланган Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақидаги низомга (рўйхат рақами 1677, 2007 йил 2 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 17-18-сон, 190-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

24-банддаги «2» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

30-банддаги «2 фоиз» сўзи «10 фоизгача» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» Акциядорлик компанияси ва «ЎЗРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири**С. БЕКЕНОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 3 сентябрь,
99-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 3 сентябрь,
73-сон

**Давлат мулки
қўмитаси раиси в.б.****А. АБДУҲАКИМОВ**

Тошкент ш.,
2010 йил 3 сентябрь,
01/19-18/06-сон

Келишилган:**Марказий банк раиси****Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

2010 йил 25 август

**Монополиядан чиқариш ва
рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси****Ж. ИСМОИЛОВ**

2010 йил 25 август

**«Ўзқурилишматериаллари»
АК раиси****Э. АКРАМОВ**

2010 йил 25 август

**«ЎЗРМХБ» ОАЖ
бошқарув раиси****Т. ТЎХТАБОЕВ**

2010 йил 25 август

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2010 йил 11 сентябрдан 17 сентябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2010 йил 25 августдаги 2010-15-сонли буйруғи.*

2010 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1131-5 (2010 йил 24 сентябрдан кучга киради).

2. «Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг ҳаво кемалари экипаж аъзоларининг иш вақти ва дам олиш вақтини нормалаштириш» авиация қоидаларини (ЎЗР АҚ-94) тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2010 йил 18 августдаги 96-сонли буйруғи.*

2010 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2141 (2010 йил 25 сентябрдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 14 августдаги 27/4-сонли қарори.*

2010 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1122-7 (2010 йил 25 сентябрдан кучга киради).

4. «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 3 сентябрдаги 98, 74, 01/19-18/07-сонли қарори.*

2010 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1679-1 (2010 йил 26 сентябрдан кучга киради).

5. «Биржа савдоларида цементни сотиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазир-*

лиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 3 сентябрдаги 99, 73, 01-19-18/06-сонли қарори.

2010 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1677-1 (2010 йил 26 сентябрдан кучга киради).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

